

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**СЕЛЕКТИВ УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН БИРЛАМЧИ ВА
ИККИЛАМЧИ БОЙИТИЛМАГАН КАОЛИН**
Техникавий шартлар

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**КАОЛИН ПЕРВИЧНЫЙ И ВТОРИЧНЫЙ
НЕОБОГАЩЕННЫЙ СЕЛЕКТИВНОЙ ДОБЫЧИ**
Технические условия

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги
Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентли

Тошкент ш.

STANDARTLAR INSTITUTI
#ZSN3QXRCBU - 25.07.2022

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING DAVLAT STANDARTI

СЕЛЕКТИВ УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ БОЙИТИЛМАГАН КАОЛИН

Техникавий шартлар

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги
Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентли

Тошкент ш.

STANDARTLAR INSTITUTI
#ZSN3QXRCBU - 25.07.2022

СЎЗ БОШИ

1 “ЎЗБЕККЎМИР” акционерлик жамияти томонидан **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.**

2 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг **2022 йил 30 мартдаги 05-1398-сонли** қарори билан **ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

3 O‘zDSt 3213:2017 ўрнига.

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгартиришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичида чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тегишли

[STANDARTLAR INSTITUTI](#)
[#ZSN3QXRCBU - 25.07.2022](#)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**СЕЛЕКТИВ УСУЛДА ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН БИРЛАМЧИ ВА
ИККИЛАМЧИ БОЙИТИЛМАГАН КАОЛИН.**

ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАР

**КАОЛИН ПЕРВИЧНЫЙ И ВТОРИЧНЫЙ
НЕОБОГАЩЕННЫЙ СЕЛЕКТИВНОЙ ДОБЫЧИ.**

ТЕХНИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ

KAOLIN PRIMARY AND SECONDARY UNENRICHED

SELECTIVE MINING

TECHNICAL CONDITIONS

Жорий етиш санаси 27.07.2022

1 ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

Мазкур давлат стандартида селектив усулда қазиб олинадиган бойитилмаган каолинни ишлаб чиқаришга қўйилган талаблар белгиланган.

Мазкур давлат стандартининг барча талаблари мажбурий ҳисобланади ва сертификатлаштириш учун яроқлидир.

2 МЕЪЁРИЙ ҲАВОЛАЛАР

Мазкур давлат стандартида қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ГОСТ 12.1.004-91 — Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ёнғин хавфсизлиги.

[STANDARTLAR INSTITUTI](#)
[#ZSN3QXRCBU - 25.07.2022](#)

ГОСТ 12.1.005-88 — Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Иш майдони ҳавосига қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари.

ГОСТ 12.1.007-76 — Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Зарарли моддалар.

ГОСТ 12.4.011-89 — Меҳнат хавфсизлигининг стандартлари тизими. Ишчиларни ҳимоя қилиш воситалари.

ГОСТ 12.2.003-91 — Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ишлаб чиқариш ускуналари.

ГОСТ 12.4.011-89 — Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ходимларни ҳимоя қилиш воситалари.

ГОСТ 427-75 — Металли ўлчаш чизгичлари. Техникавий шартлар.

ГОСТ 2642.0-2014 — Оловга чидамли маҳсулотлар ва хом ашё.

ГОСТ 2642.2-2014 — Оловга чидамли маҳсулотлар ва хом ашё. Текширишда нисбий оғирлиги ўзгаришини аниқлаш усуллари

ГОСТ 2642.3-2014 — Ўтга чидамли материаллар ва ўтга чидамли хом ашёлар. Кремний оксидини аниқлаш усуллари.

ГОСТ 2642.4-2016 — Оловга чидамли маҳсулотлар ва хом ашё. Алюминий оксидини аниқлаш усуллари.

ГОСТ 2642.5-2016 — Оловга чидамли маҳсулотлар ва хом ашё. Темир (III) оксидини аниқлаш усуллари.

ГОСТ 3594.0-93 — Оловга чидамли шаклланувчи тупроқлар. Синов усулларига умумий талаблар.

ГОСТ 3594.11-93 — Оловга чидамли шаклланувчи тупроқлар. Куқунсимон тупроқнинг намлигини аниқлаш усуллари.

ГОСТ 4069-2020 — Оловга чидамли маҳсулотлар ва хом ашё. Оловга чидамлилигини аниқлаш усуллари.

ГОСТ 21216-2014 — Тупроқсимон хом ашё.

ГОСТ 22235-2010 — 1520 мм ўлчамдаги магистрал темир йўллариининг юк вагонлари. Юклаш ва тушириш ва маневр ишларини амалга оширишда бутлигини таъминлаш бўйича умумий талаблар.

ГОСТ 30108-94 — Материаллар ва қурилиш буюмлари. Табиий радионуклидларнинг солиштирма самарали фаоллигини аниқлаш.

СанҚваМ 0294-11 — Иш жойи ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган максимал миқдорининг гигиеник меъёрлари;

СанҚваМ 0193-06 — Радиацион хавфсизлик меъёрлари ва радиацион хавфсизликни таъминлаш бўйича асосий санитария қоидалари;

[#ZSN3QXRCBU - 25.07.2022](#)

СанҚваМ 0325-16 — Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражаларининг санитария меъёрлари;

СанҚваМ 0326-16 — Иш жойларида умумий ва маҳаллий тебраниш санитария меъёрлари;

СанҚваМ 0324-16 — Ишлаб чиқариш хоналари микроклимининг санитария-гигиена нормативлари;

Сан ҚваН 0293-11 — Гигиеник меъёрлар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли турар жойларининг атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг чегаравий йўл қўйиладиган концентрациялари рўйхати.

Изох: ушбу стандартлардан фойдаланилганда, стандартларнинг амал қилиш муддатини жорий йилнинг 1 январь ҳолатига тузилган стандартларнинг тегишли индексига ва жорий йилда эълон қилинган тегишли маълумотларга мувофиқ текшириш мақсадга мувофиқ. Агар ҳавола қилинган ҳужжат ўзгартирилган бўлса, ушбу стандартлардан фойдаланганда ўзгартирилган стандартларга амал қилиниши керак.

3 ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

3.1 Бойитилмаган каолин мазкур давлат стандартида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши ва ишлаб чиқарувчи корхона томонидан тасдиқланган технологик йўриқнома бўйича ишлаб чиқарилиши керак.

3.2. Селектив усулда қазиб олинadиган бойитилмаган бирламчи каолинлар ер қобиғининг текстура методологик хусусиятларига кўра қуйидаги тўртта зонага ажратилади (юқоридан пастга):

- 1) 3-бирламчи каолин;
- 2) 3*-бирламчи порфик каолин;
- 3) 2-каолинли бирламчи профиритик гидромика;
- 4) 2*- заиф каолинланган кварц порфири.

3.3. Селектив усулда қазиб олинadиган бойитилмаган иккиламчи кул ранг ва ранг-баранг қизғиш каолини қазиб олинadиган жойига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- а) Ангрен кўмир кони;
- б) Апартак кўмир кони.

3.4. Селектив усулда қазиб олинadиган бойитилмаган бирламчи каолинлар физик ва кимёвий таркиби физик ва кимёвий таркиби бўйича қуйидаги 1 ва 2-жадвалда келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

1 –жадвал

Кўрсаткичларнинг номи	Худуд бўйича кўрсаткичлар меъёри			
	3-худуд	3*-Худуд	2-Худуд	2*-Худуд (шимол)
Кимёвий таркиби				
1. Темир оксидининг масса улуши (Fe ₂ O ₃) % кўп эмас	3,6	3,8	4,0	4,0
2. Кремний оксидининг масса улуши (Si O ₂) % да кўп эмас	65,0	65,0	65,0	68,0
3. Аллюминий оксидининг масса улуши (Al ₂ O ₃) % кам эмас	21,0	20,0	19,0	16,0
4. Қиздирилганда йўқолишининг масса улуши % кўп эмас	11,0	11,0	11,0	11,0
5. Намликнинг масса улуши фоизда, кўп эмас	18,0	18,0	18,0	18,0
Физик-механик кўрсаткичлари				
6. Қайишқоқликнинг сони % да кам эмас	8,0	8,0	8,0	5,3
7. Бегона қўшимчалар миқдори (кўмир ва х.з.)	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди
8. Оловбардошлик, градусда, кам эмас	1540	1540	1540	1540
9. Бўлақлар ўлчами mm да, кўп эмас,	1000	1000	1000	1000

10. Табиий радионуклидларнинг умумий солиштирма самарали фаоллиги, Bq/kg, кўп эмас:	1 синф	370	370	370	370
	2 синф	740	740	740	740
	11.Оклиги (коэффициент), концентрат бўйича, кам эмас	73,5	73,5	73,5	68,5

2-Жадвал

Кўрсаткичлари номиллари	Меъёрлар					
	“Ангрен кўмир кони”			“Апартак кўмир кони”		
	Сопол, оқ цемент	Цемент	Девор материаллари	Сопол, оқ цемент	Цемент	Девор материаллари
Кимёвий таркиби						
1. Темир оксиднинг масса улуши (Fe ₂ O ₃) % да, каолин учун кўп эмас:						
Кул ранг	1,5	3,5	3,5	1,5	3,5	3,5

Ранг-баранг қизғиш	-	3,7	3,7	-	3,7	3,7	3,7
2. Алюминий оксидининг (Al_2O_3) масса улуши % да, каолин учун кам эмас:							
Кул ранг	21,0	20,0	20,0	21,0	20,0	20,0	20,0
Ранг-баранг қизғиш	-	24,2	24,2	-	21,9	21,9	21,9
3. Кремний оксидининг масса улуши (SiO_2) % да, каолин учун кўп эмас:							
Кул ранг	65,0	60,0	60,0	65,0	60,0	60,0	60,0
Ранг-баранг қизғиш	-	58,8	58,8	-	60,2	60,2	60,2
4. Қиздирилганда йўқолишининг масса улуши, % да, каолин учун кўп эмас:							
Кул ранг	-	12,0	12,0	-	12,0	12,0	12,0
Ранг-баранг қизғиш	-	9,4	9,4	-	9,4	9,4	9,4
Физик-механик кўрсаткичлари							
5. Намлиги, % да, каолин учун кўп эмас							
Кул ранг	15,0	15,0	15,0	15,0	15,0	15,0	15,0
Ранг-баранг қизғиш	-	15,0	15,0	-	15,0	15,0	15,0
6. Каолин учун ёт аралашмалар микдори:							
Кул ранг ва ранг-баранг қизғиш	йўл	йўл	йўл	йўл	йўл	йўл	йўл

	қўйилмайди	қўйилмайди	қўйилмайди	қўйилмайди	қўйилмайди	қўйилмайди	қўйилмайди
7. Бўлақларнинг ўлчами, кул ранг ва ранг-баранг қизғиш каолин учун ppm да, кўп эмас	0-300	0-300	0-300	0-300	0-300	0-300	0-300
8. Радионуклидларнинг умумий солиштирма самарали фаоллиги, Bq/kg, 1 синф учун кўп эмас	370	370	370	370	370	370	370

4 ХАВФСИЗЛИК ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ТАЛАБЛАРИ

4.1. Бойитилмаган каолин бошқа моддалар, омиллар мавжудлигида ҳаво муҳитида ва оқова сувларда токсик бирикмаларни ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлмайди.

4.2. Каолин ГОСТ 12.1.044 талабларига мувофиқ ёнмайдиган ва портлаш хавфи бўлмаган моддалар қаторига киради.

4.3. Каолин ГОСТ 12.1.007 талабларига мувофиқ хавфлиликнинг 3-синф моддалари турига киради.

4.4. Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг йўл кўйиладиган концентрациялари ГОСТ 12.1.005 ва Сан ҚваМ 0294 талабларидан ошмаслиги керак.

4.5. Каолин табиий радионуклидларининг умумий солиштирама самарали фаоллиги (Аэфф) Сан ҚваМ 0193 кўрсаткичларидан ошмаслиги ва ГОСТ 30108-94 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4.6. Иш жойларидаги шовқин ва тебраниш даражалари Сан ҚваМ 0325 ва Сан ҚваМ 0326 га мувофиқ рухсат этилган максимал даражадан ошмаслиги керак.

4.7. Иш жойларидаги микроиклим параметрлари Сан ҚваМ 0324 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4.8. Ишлаб чиқаришда ГОСТ 12.2.003 бўйича умумий хавфсизлик талабларига ва ГОСТ 12.1.004 бўйича умумий ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши керак.

4.9. Каолинни қазиб олиш, қайта ишлашда иш жойларида, каолиннинг таҳлилини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш хоналарида чанг ҳосил бўлишини олдини олиш чоралари кўрилган бўлиши керак, иш зонасининг ҳавосидаги зарарли моддаларнинг миқдори ГОСТ 12.1.005 га мувофиқ рухсат этилган энг юқори даражадан ошмаслиги керак.

4.9. Каолинлар билан ишлайдиган шахслар ГОСТ 12.4.011 бўйича махсус кийимлар ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

4.10. Ўзбекистон Республикаси аҳоли турар жойларининг атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг миқдори Сан ҚваМ 0293 га мувофиқ рухсат этилган энг юқори даражадан ошмаслиги керак.

4.11. Очиш ва қазиб олиш ускуналарининг ишлашида, ортиш жойларида чангни сўндириш ишлари амалга оширилиши лозим.

4.12. Каолинлар қазиб олингандан сўнг, бузилган ерлар белгиланган тартибда рекультивация қилиниши лозим.

5 ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

5.1. Каолин етказиб берувчи корхонанинг техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилиниши керак.

5.2. Истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқ бойитилмаган каолиннинг сифатини таъминлаш учун селектив усулда қазиб олиш ташкиллаштирилиб, сақлаш учун мўлжалланган омборхонада физик-механик ва кимёвий таҳлил учун намуналарни танлаш амалга оширилади.

5.3. Каолинни қабул қилиш ва етказиб бериш, тўплаш (штабель) ва юклаш ишлари омборхоналарда амалга оширилади. Каолинлар тўпининг ўлчами ўн кун, бир ой мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми билан аниқланади. Ҳар бир тўпда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи, телефони, юридик ва ҳақиқий манзили;

ушбу давлат стандартининг белгиланиши;

маҳсулотнинг номи;

тўп номери ва ортиб жўнатилган сана (ой, йил);

тўп ҳажми (ўлчами), t;

ТНБ (техник назорат бўлими) штампи;

физик-кимёвий таркибини синаш натижалари;

сақлаш шароитлари;

кафолатланган сақлаш муддати (ой, йил);

сертификатлаштириш синовлари;

маҳсулотни экспортга етказиб беришда «Made in Uzbekistan» ёзуви;

маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотишда «O‘zbekistonda ishlab chiqarilgan» ёзуви.

5.4. Каолиннинг мазкур давлат стандартининг талабларига мувофиқлигини текшириш учун қабул қилиш-топшириш, даврий ва сертификатлаштириш синовлари ўтказилади.

5.5. Қабул қилиш-топшириш синовлари ҳар бир уюмда ҳамда 1-жадвалнинг 1, 2, 3, 4, 5, 7, 9, 11 кўрсаткичлари ҳамда 2-жадвалнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 кўрсаткичлари бўйича ўтказилади.

Каолинни даврий синовлари камида чоракда бир мартаба ёки кон майдони алмаштирилишида 1-жадвалнинг 8 кўрсаткичи ва 2-жадвалнинг 6, 8, 10 кўрсаткичлари бўйича ўтказилади.

5.6. Қабул қилиш назорати томонидан транспорт воситаларига ортилаётган каолиннинг ҳар бир тўпида намлик аниқланиши ва ёт тоғ-жинслари аралашмалар мавжудлиги аниқланади.

5.7. Синовлар учун каолин намуналарини танлаб олиш ва тайёрлаш ГОСТ 3594.0 бўйича амалга оширилади.

5.8. Кўрсаткичлардан биттаси бўйича бўлса ҳам синовларнинг натижалари номувофик бўлганда такрорий синовлар ўтказилади. Такрорий синовларнинг натижалари якуний ҳисобланади ва бутун уйимга тааллуқли ҳисобланади.

Такрорий синовларнинг қониқарсиз натижалари олинганда тўп ярқсиз деб топилади.

6 Назорат усуллари

6.1. Каолиннинг кимёвий таркиби ГОСТ 2642.0 бўйича текширилади.

6.2. Сифат кўрсаткичлари (масса улуши):

темир оксиди ГОСТ 2642.5 бўйича;

алюминий оксиди ГОСТ 2642.5 бўйича;

кремний иккиламчи оксиди ГОСТ 2642.3 бўйича;

қиздирилишида йўқотилишлари ГОСТ 2642.2 бўйича;

намлик ГОСТ 3594.11 бўйича аниқланади.

6.3. Бойитилмаган каолиннинг оловбардошлиги ГОСТ 4069 бўйича, қайишқоқлиги эса ГОСТ 21216.1 бўйича аниқланади.

6.4. Бўлақлар йириклиги максимал ўлчам бўйича ГОСТ 427-75 металл чизғич билан аниқланади.

6.5. Каолин маҳсулотларини омборхонада, юкланган вагонлар, автомашиналар ва бошқа транспортда қўшимча тоғ жинслари аралашмалари мавжудлиги кўз билан кўриб аниқланади.

6.6. Табiiй радионуклидларнинг умумий солиштирма самарали фаоллиги ГОСТ 30108 бўйича аниқланади.

7 ТРАНСПОРТДА ТАШИШ ВА САҚЛАШ

7.1. Каолин сопол маҳсулотлари, цемент ва девор материалларини ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш технологик ҳужжатларига мувофиқ қўлланилиши керак.

7.2. Каолинни транспортда ташиш ГОСТ 22235 га мувофиқ очик темир йўл вагонларида, автомашиналар ва бошқа транспорт воситаларида, транспортнинг ушбу турига амалда бўлган ташиш қоидаларига риоя қилиб, уйим ҳолатида амалга оширилади.

7.3. Истеъмолчи каолинни бегона қўшимчалар билан ифлосланиши ва бошқа хом ашё материаллари билан аралашиб кетишидан ҳимояланган шароитларда сақлаши керак.

7.4. Каолинни сақлаш майдонлари курук жойда жойлашган, олдиндан текисланган, ахлатдан, ўт-ўлан ва ёғоч қолдиқларидан тозаланган, ёмғир ва ер ости сувлари оқиб кетадиган ариқлар штабеллар чегарасидан ташқарида жойлашган бўлиши керак. Каолин штабеллари жойлаштирилган жойлардан мавжуд ўсимлик қатлами олиб ташланиши лозим.

8 ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КАФОЛАТЛАРИ

8.1. Истеъмолчи томонидан транспортда ташиш ва сақлаш шартларига риоя қилинишида, етказиб берувчи (юк жўнатувчи) мазкур давлат стандартининг талабларига каолиннинг мувофиқлигини кафолатлайди.

8.2. Сақлаш шартларига риоя қилинганда бирламчи каолиннинг кафолатланган сақлаш муддати чекланмаган, иккиламчи кул ранг ва ранг-баранг қизғиш каолиннинг сақлаш муддати 1 йил.

Библиография

- [1] СанПиН 0294-11 Гигиенические нормативы. Предельно допустимые концентрации вредных веществ в воздухе рабочей зоны.
- [2] СанПиН 0325- 16 Санитарные нормы допустимых уровней шума на рабочих местах
- [3] СанПиН 0326- 16 Санитарные нормы общей и локальной вибрации на рабочих местах
- [4] СанПиН 0324 - 16 Санитарно-гигиенические нормы микроклимата производственных помещений.
- [5] СанПиН 0293-11 ПДК загрязняющих веществ в атмосферном воздухе населённых мест на территории Республики Узбекистан.

БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

ОКП 03 2035

ОКС 75.160.10

Мухим сўзлар: Бирламчи ва иккиламчи бойитилмаган каолин , давлат стандарти , техникавий талаблар, қабул қилиниш қоидалари, тамгалаш ва кадоклаш, назорат усуллари, транспортда ташиш ва сақлаш.

O'zDSt 3607 :2022

Ахборот маълумотлар

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси
Давлат Бош санитария
Врачининг хати

№ 31-1/487

«31» декабрь 2020 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН




“Ўзбеккўмир” АЖ
Бош директори

В.В. Кузнецов

2022й.

“Ўзбеккўмир” АЖ
Бош муҳандиси


З.У. Иномхужаев
« » 2022й.

КЕЛИШИЛГАН


Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитасининг хати

№ 01-01/10-08-73

« 18 » январь 2021 й.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН


“Ўзбеккўмир” АЖ
Сертификатлаш стандартлаш
ва метрология бўлими
бошлиғи


А.Я. Абдурахимов
« » 2022й.

“Ўзбеккўмир” АЖ “Ангрен
кўмир кони” филиали
Бош муҳандиси


Ш.М. Тургунов
« » 2022й.

“Ўзбеккўмир” АЖ “Апартак
кўмир кони” филиали
Бош муҳандиси


Ф.А. Отажанов
« » 2022й.

АХБОРОТ МАЪЛУМОТЛАР

Мазкур стандарт “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими” <https://project.gov.uz/> орқали (ID 48951) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган.